

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 28 март, № 65 (7567)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, жумладан, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Тегишли идора ва ташкилотларнинг яқиндан ҳамкорлигида ўзаро амалий кўмаклашиш ҳамда, аввало, чегараолди ҳудудлардаги эпидемиологик вазиятни назорат қилиш борасида олиб борилаётган ишлар мамнуният билан қайд этилди.

Пандемиянинг савдо-иқтисодий, энергетик, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон — Туркменистон алоқаларига салбий таъсирини камайтириш бўйича фаол қўшма чора-

тадбирларни давом эттириш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар юзага келаётган барча қийинчилик ва янги хатарларни муваффақиятли енгиш, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликка доир ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА.

ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 март куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари қадимдан минтақамизда кенг нишонланиб келаётган, дўстлик ва яхши қўшничилик, тарих, маданият ва анъаналар муштараклигини ифода этувчи баҳор ва янгилашни байрами — Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаklarини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни муҳокама қилдилар.

Ушбу пандемияга қарши самарали курашиш, шунингдек, унинг оқибатлари икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва ўзаро кўмакни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришга доир ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

ЎЗА.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КўРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР ОДАМЛАРИМИЗНИНГ КАСАЛЛИКНИ ЮҚТИРИБ ОЛИШ ЭХТИМОЛИНИ ИМКОН ҚАДАР ЧЕГАРАЛАШ, ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯНИНГ ТАРҚАЛИШНИ ЖИЛОВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётий заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ҚҲЙИ ПАЛАТА КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ ИЛК БОР ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ТАРЗИДА ЎТКАЗИЛДИ

2020 йил 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги ишчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида муҳокама этилган масалалар, давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмун-

моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг коронавирусга қарши курашиш юзасидан халқимизга қилган мурожаати ва унда кўтарилган масалалар ҳам Кенгаш аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Йиғилишда айна масалалар юзасидан депутатлик корпуси олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этиш жоизки, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятида Кенгаш йиғилиши илк бор видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди. Бунинг учун қуйи палатада барча техник имконият яратилган.

«Халқ сўзи».

ШИФОКОРЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга куйидаги микдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланди:

	врач ходимларга, врач-лаборантларга – 25 млн. сўм;		кичик тиббиёт ходимларига – 10 млн. сўм;
	ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – 15 млн. сўм;		бошқа ходимларга – 5 млн. сўм.

Махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тулаб берилади.

Тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар:	беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юктириб олган тақдирда – 100 млн. сўм;
	беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юктириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиги тикланмаган тақдирда – 250 млн. сўм.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ, БИРДАМЛИГИ ИФОДАСИ

Хабарингиз бор, Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Фармон ва ижро



Фармонда жамғарма маблағларидан юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашга ҳам маблағ йўналтирилиши назарда тутилган.

Дунёга назар ташлайдиган бўлсак, коронавирусга қарши курашишда шифохоналарни тезлик билан қуриш тажрибаси кўпчилик давлатлар мисолида ўзини

оқлади. Президентимизнинг топшириғига биноан, коронавирус тарқалиб кетишининг олдини олиш, хориждан келаётган юрдошларимизнинг карантин муддатида қулайроқ шароитларда яшаши, мабодо, вирус аниқлангудек бўлса, даволанишлари учун қулай ва замонавий шароит яратиш мақсадида тез фурсатда шифохона қуриш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди.

Улардан бирининг манзили сифатида пойтахтимиздан

25 километр узоқликдаги Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидан 50 гектардан эйбродк майдон танландики, бу ернинг манзараси, иқлимнинг ўзи ҳам киши қалбига ҳар қандай дардни енгтудек ишонч беради. Бу ерда карантин ҳудуди ташкил этилиб, шифохона қуриш ишлари олиб борилмоқда. Ҳаёт учун зарур бўлган коммуникация тармоқларини тортиш ишлари ҳам параллел равишда давом эттириляпти.



4

Эксклюзив интервью

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик масаласи – эътиборда

Куни кеча Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид масала кўриб чиқилган эди. Мухбиримиз муҳокама этилган масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал САИДОВ билан суҳбатлашди.

— Акмал Холматович, Кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган масала юзасидан қандай қарор қабул қилинди? Дастлаб шу ҳақда айтиб ўтсангиз.

— Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилаётгани, бунда, энг аввало, халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб,

ёндашишимиз зарурлиги таъкидланиб, парламент палаталарида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиш кераклиги қайд этилган эди.

Бу, биз, депутатлар ва сенаторлар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки халқимиз хоҳиш-иродасига таянган ҳолда, асосланган ҳулосаларни айтишимиз керак.



3

Президентимиз раислигида шу йил 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни қўчайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар қўрилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-

Сўз — фракция раҳбарларига

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Таъбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Президентимиз қарори ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди. Нега деганда, унга кўра, эндиликда но-давлат тиббиёт ташкилотларига шоши-линч профилактика ва эпидемияга қарши чоралар қўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритил-ган коронавирус инфекцияси билан қа-салланган беморларга, истисно тариқа-сида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиб-бий хизмат кўрсатишга руҳсат берил-моқда. Шунингдек, қарор билан нода-влат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касал-ланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш фақат Соғлиқни сақлаш вази-рлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотла-ри ўртасида тузиладиган шартномага асосан амалга оширилади.

Яна бир аҳамиятли томони, мазкур ҳуж-жатга кўра, ушбу инфекция билан касал-ланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташки-

лотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томо-нидан, истисно тариқасида танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланадиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, инфекцияни бартар-аф қилишга ҳусусий тиббиёт бирлашма-ларининг жалб этилиши, касалликка қарши курашиш қамровини кенгайтиради. ЎзЛидеП ушбу ташаббусни тўла қўллаб-қув-ватлайди ҳамда мамлакатимиз фўқарола-рига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ҳусусий тиббиётнинг ролини янада ку-чайтиришни жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, бугунги кунда давлат томонидан ушбу вирусли инфекцияни жи-ловлаш, тарқалишининг олдини олиш бо-расида қўрилаётган чоралар одамларимиз-нинг касаликни юктириб олиш эҳтимоли-ни имкон қадар чегаралашга қаратилган. Шундай экан, ушбу вазиятда ҳар биримиз зиннамиздаги масъулиятни тўла ҳис қил-ган ҳолда, Президент Фармон ва қарорла-рининг ижросини ўз вақтида таъминлашда фол ва ташаббускор бўлишимиз зарур.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Коронавирус пандемияси ва унинг иқтисодийёта таъсирини жилолаш масаласига Президентимиз ва Ҳукумат алоҳида эътибор қаратаётгани бугун барчамиз-ни янада бирлашишга чақиради.

Давлатимиз раҳбари йиғилишида мазкур масала бўйича халқимизга яна бир бор мурожаат қилини — бугунги кунда вирус билан касалланганлар сони кун сайин ошиб бораётгани сабаб барчани ҳўшёрликка ва саломатлиги учун масъулиятни оширишга чорлади.

Бугун мамлакатимизда тиббиёт ва санитария-эпиде-миология хизмати ходимлари ўз фидойилигини намоён этиб, қоронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Президентимиз қарори уларнинг меҳнатини қадрлаш ва

моддий рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамият-ли бўлди. Хусусан, мазкур пандемияга қарши курашиш-да иштирок этаётган тиббиёт, санитария-эпидемиоло-гия хизмати ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунунга фаоли-ят даври учун 5 миллиондан 25 миллион сўмгача бўлган махсус тўловлар ажратилаётгани уларнинг фўқаролар ҳаёти ва соғлигини муҳофаз қилишга қўшаётган улкан ҳиссаси ва жасорати учун эътибор намунасидир.

Бугун барчамиз мазкур синов олдида, аввало, масъу-лиятни ҳис қила олишимиз талаб этилмоқда. Масъули-ятсизлик билан ёндашаётганларга нисбатан қўнўйи чора борлигини ҳамма ҳис этиши зарур. Хусусан, парламент-да қабул қилинган ва кўни кеча давлатимиз раҳбари имзолаган Қонунга кўра, карантин қоидаларини бузган-лик учун жазо чоралари қўчайтирилиб, бундан буён ка-

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАЗО КУЧАЙТИРИЛДИ

Коронавирус инфекцияси дунё бўйлаб кенг тарқалаётган ҳозирги шароитда бу энг тўғри қарордир.

Бугунги кунда дунёга коронавирус инфекцияси жиддий ҳавф солмоқда. Афсуски, ушбу юқумли касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Шундан келиб чиқиб, барча жойларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қоронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар қўриляпти. Масалан, тиббиёт муассасалари фавқулодда ҳолат иш режимига ўтказилди. Сихатгоҳлар ва оромгоҳлар тиббиёт муассасалари сифатида мослаштирилди. Бу муассасаларнинг барчаси зарур дори-дармон, тиббиёт ва диагностика воситалари билан тўла таъминланди. Шароит тақозосига кўра, барча давлатлар билан мунтазам авиақатновлар ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг мамлакат ҳудудига кириб келиши тўхтатилди.

Шу билан бирга, кириб келган шахслрни 14 кун давомида карантинга олиш йўлга қўйилди. Қўрилаётган

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати: — Бугун бутун дунёни ташвиш-га солаётган қоронавирус муам-моси, афсуски, юртимизга ҳам дахлдор. Айтиш керакки, соҳага доир амалдаги қонунчиликка асо-сан, юқумли касалликлар шарои-тида маълум чекловлар, яъни ка-рантин жорий этилиши мумкинли-ги кўзда тутилган.

Ботир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Юқорида номлари келтирилган кодексларга ки-ритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан, эпи-демияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қўчайтирилди. Хусусан, Қонунда фўқаронинг бошқа одамлар билан мулоқотни яшириши ва касаликнинг оммавий тарқалишига ҳамда ўзгаларнинг заҳарланлишга ёки касаликнинг кенг тарқалишига олиб келса, 5 йилга-ча муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган. Агар шунинг оқибатида одам ўлишига са-баб бўлса, 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум

Илҳом ТУРҲУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бошлиги: — Дунё мамлакатлари билан солиштирадиган бўлсак, қатор давлатларда айнан шу турда-ги ҳуқуқбузарликлар учун бизда-гидан бир неча марта қучли-роқ бўлган жазо чоралари

Азизбек ДОЛИХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти бўлим бошлиги:

— Ҳозирги шароитда инфекция тарқалишининг ол-дини олиш учун ҳар бир инсоннинг никобда юриши талаб этилади. Бу билан у нафақат ўзи, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаган бўлади.

Қабул қилинган янги Қонунга асосан, маъмурий жавобгарлик бўйича ушлаб туриш ваколатлари Ўзе-кистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички иш-лар органларига берилди. Ушлаб туриш муддати 24 соатгача бўлади. Бунда текширув билан боғлиқ

Маълумот ўрнида: карантин ҳамда инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқа-лиши ҳақида аҳоли орасида асос-си ҳақида тарқалишининг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъ-минлаш мақсадида Жиноят кодек-сига алоҳида модда киритилмоқда. Ушбу жиноий қўлимшни содир этганлик учун 22,3 миллион сўмга-

ча жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 3 йилгача озодликни чеклаш, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо-лари белгиланди. Шунингдек, карантинли ҳамда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо

бўлиши ва тарқалиши шароитида ва-колатли органнинг махсус талабига зид равишда жамоат жойларидда ни-қрбоз бўлганлик учун маъмурий жа-вобгарлик белгиланди. Шу турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганларга нисбатан 1,1 миллион сўмгача миқ-дорда жарима солинади.

эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур ишларга жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Бу ҳақда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари фикрлари билан қизикдик.

Алишер КОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари халқимизга мурожаат қилиб, бутун дунёда, жум-ладан, Ўзбекистонимизда кечаётган пандемияга қарши курашда масъул, интизомли ва ҳамжиҳат бўлишга чақирди. Президентимиз қарори эса фидойи тиббиёт ходимлари меҳнати-ни қадрлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда савол туғилади. Биз ўзимиз, ҳар биримиз ўзимизнинг соғлиғимиз учун, оиламиз ва яқинла-римиз учун масъулиятни ҳис этияпми-ми? Дунёда кечаётган воқеалардан хабардорлик даражамиз етарлими? Мамлакатимизда олиб борилаётган ишлардан-чи? Уларнинг моҳиятини англаяпмизми? Давлатимиз биз учун, ҳар бир фўқароси учун қайғураётган дамларда мен ўзим учун қайғуря-манми, дея ўзимизга мурожаат қили-шимиз керак. Раҳбарият томонидан масъуллиқнинг юқори даражаси ва халқпарварлик кўрсатилляпти. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни йўққа чиқармаслик учун биз нима қиляпмиз?

Касаликнинг тарқалиш жараёни

рантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиги ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилиши белгиланди.

Шунингдек, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида жамоат жойларида никобсиз юриш фўқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўйлайманки, аввало, ўзининг, фарзандлари ва оила-сининг саломатлигини, шунингдек, Ватанининг тинчли-гини ўйлаган ҳар бир фўқаро қоронавирус оғушига ту-шиб қолишни ҳеч қачон истамайди ва албатта, ҳўшёр-лиқни янада оширган ҳолда ташаббусни ўз қўлларига оладилар.

Пандемия оқибатлари қандай бартараф этилади?

Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солган коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиши нафақат фўқаролар соғлиғига, балки давлатлар иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Депутат фикри

Вируснинг жаҳон иқтисодиётига таъсири

Бундай ҳолат нафақат бир мамлакат иқти-содиётини, балки у билан олди-берди қила-диган бошқа давлатлар иқтисодиётини ҳам ин-қироз сари етакламоқда.

Бундай вазиятда, одатда, ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирла-ри ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви кузатилади.

Бу глобал хавф-хатар бизда ҳам экс-порт тушумининг кескин пасайиши, мамлакат-га келаётган хорижий туристлар сонининг ка-майиши, тўғридан-тўғри хорижий инвести-циялар ва импорт қилинаётган хом ашёлар қисқаришига олиб келиши мумкин.

Яқинда Президентимиз томонидан имзолан-ган “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқла-рига салбий таъсирини юмшатиш бўйича би-ринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон, аввало, мамлакатимизда тарқаб ул-гурган қоронавирус балосини батамом тутатиш, жаҳонда қутилаётган инқироз оқибатларининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича олди-мизда турган, кечиктириб бўлмайдиган ва ўта муҳим вазифаларимизни белгилаб берди.

10 триллион сўм нималарга ишлатилади?

Мамлакатимизда қоронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва уни батамом тутатиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари-нинг ўзлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳоли да-ромадлари кескин пасайиб кетишининг ол-дини олиш мақсадида 10 триллион сўмлик Инқирозга қарши курашиш жамғармаси таш-кил қилинди.

Бу маблағнинг асосий қисми қоронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирларига, яъни қоронавирус инфекцияси профилактикаси учун зарур бўладиган дори воситалари, тиббий буюмлар, химоя восита-лари, тест тизимларини харид қилишга, ка-салликда гумон қилинган шахсларни карантин-да сақлаш билан боғлиқ харажатларни қо-лашга, жараёнда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва химоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш ҳамда юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш, даволаш, муассасалар куриш, таъмирлаш, ре-конструкция қилиш ва жиҳозлашга сарф-ланади.

Шунингдек, жамғарма маблағлари яна қатор мақсадларга йўналтирилади.

Улўғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Президентимиз раис-лигида қоронавирус инфе-кцияси тарқалишига қарши курашишни қўчайтириш ма-салалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган факт ва рақам-лар ҳаммамизга вазиятни яқиндан тушуниб, ҳис этиш-га ёрдам бериши керак, деб ўйлайман. Вазият жиддий-лашаётгани учун давлат кат-та куч ва имкониятларни са-фарбар қилляпти.

Аммо фақат давлат идо-ралари, тиббиёт ходимла-рининг ўзигагина хавфли ви-русга қарши кураша олмай-ди. Касалликка қалинганлар қанчалик доволанмасин, юктириб олувчилар кўпая-верса, одам ёмонлаша-веради. ОАВ орқали эшитя-нимиз, айрим давлатларда вазият назоратдан чиқиб кетляпти, вирус етиб борма-ган кўча ва мавзелар қол-

мади ҳисоб. Ҳар биримиз ҳулоса чиқаришимиз керак-ки, давлат билан халқ бир-лашиб ҳаракат қиладиган, бир-биримизга яқиндан ёрдам берадиган ҳақиқий синов даври бошланди.

Афсуски, айрим юртдош-ларимизнинг эътиборсизли-ги ортидан мамлакатими-з да ҳам қоронавирус юкти-риб олганлар сони ортиб бораляпти. Аксарият вирус юктирганлар бир оила аъзо-лари ёки уларнинг яқинла-ри бўлиб чиқляпти. Шундан ҳам тушунишимиз керакки, вирус тарқалишига ўзимиз сабабчи бўлиб қолмоқда-

миз. Бизнинг оддий экти-ётсизлигимиз оиламизни, яқинларимизни хавф ости-да қолдириши мумкин. Шу-нинг учун вирусдан сақла-ниш қоидаларига амал қилишимиз, лозим бўлса, атрофимиздагилардан ҳам

шуни талаб қилишни бош-

лашимиз зарур.

Ғарчи юртимизда вазият оғирлашмаган, муайян чек-ловлар билан ижтимоий ҳаёт бир маромада давом этаётган бўлса-да, санокли кишиларнинг эътиборсизли-ги ва масъулиятсизлиги оқибатида ҳолат ўзгариб кетиши мумкин.

Партиямиз, фракциямиз илгари сурадиган ижти-моий барқарорлик ва бир-дамлик гоялари учун кураш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Карантин ҳолати қанча чўзилса, бундан, би-ринчи навбатда, ижтимоий муҳофазга муҳтож қатлам вакиллари қўпроқ азият чекади. Биз қанчалик ҳам-жиҳат бўлсак, ижтимоий муаммолар кўпаймасдан, барқарорликка пугур етмас-дан қоронавирус хавфини ениб ўта оламиз.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— Видеоселектор йиғилишида давлати-миз раҳбари халқимизга яна бир бор муро-жаат қилиб, қоронавирус менга юқмайди, деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, бал-ки ота-онаси, фарзандлари, атрофдагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини катта хавфга қўйишни чўқур англаб етиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Албатта, қўрилаётган қатъий чоралар одамлар ҳўқуқларини чеклаш ёки камситиш эмас, балки оиласи, фарзандлари, яқинла-ри, эл-юрт тинчлиги, соғлигини энг юксак қадриятлар сифатида қурадиган халқимиз-нинг саломатлигини, фаровон ҳаётини, қола-верса, келажагини ўйлаб қилинаётган зару-ратдир.

Бугун биз бир нарсани англашимиз ке-ракки, мамлакатимизда касалланганлар сони кам-ку, деб бемалол бўлишимиз, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўзимизга, халқимизга хиёнат ҳисобланади. Бу бефарқлик нафақат ўзимизга, балки фар-зандларимиз, ота-онамиз, қариндошлари-миз, яқинларимизнинг дардга қалинишига

олиб келишини ҳар кўни, ҳар сония англаб етишимиз лозим. Бугун ҳар бир фўқаро ўз масъулиятини ҳис этган ҳолда хонадонида фарзандларининг соғлиги ва тарбияси билан машғул бўлиши вирус тарқалиши-нинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг қоронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишга жалб қилин-ган тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш-га доир қарорлари бу борада олиб бо-рилаётган ишларимизнинг бугунги кун ўрни нақадар долзарблигидан ва муҳимлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Экологик партияси фракция-си ҳам давлатимиз раҳбарининг халқимиз-га қилган ушбу мурожаатини қўллаб-қувват-лаган ҳолда, бу борада кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини олиб бо-ришни муҳим вазифалардан деб билади.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

вариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олув-чилар сони 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоиз оширилади.

Фаолиятини тўхтатган таълим муассасалари ходимларининг меҳнат муҳофазаси кучайтирилади

Тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар қоронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз микдорида ҳар кун-лик қўшимча тўловлар жорий қилинади.

Вактинчалик ўз фаолиятини тўхтатган мак-табгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимлари иш ҳақлари ўз вақ-тида тўлаб берилади.

Молиявий қийинчиликка учраган корхоналар қўллаб-қувватланади

Туризм тармоғи корхоналарига ва ташқи савдо операцияларига жорий этилган чеклов-лар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган ҳўжалик юритувчи субъектларга банк-лар томонидан ажратилган кредитлар бўйи-ча умумий суммаси 5 трлн. сўмлик қарздор-ликларни тўлаш 2020 йил 1 октябрга қадар узайтирилади.

Хусусий тадбиркорлик корхоналарига айлан-ма маблағларни тўлдириш учун қайта тикла-надиган револьвер кредитлар ажратиш ва тад-биркорлик субъектларига кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қафилликка бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, Тадбир-корлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини 500 млрд. сўмгача ошириш белгиланмоқда.

Карантин даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келган муаммо ва қийинчиликларини ҳал этиш мақсадида қил-ган мурожаатларига алоҳида эътибор қаратиш, расмиятчилик, сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйилмаслиги юзасидан барча даражада-ги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги бел-гилаб қўйилмоқда.

Фармонда белгиланган вазифаларни таъ-минлашда, албатта, парламент аъзолари ҳам фаоллик кўрсатадилар.

Абдугани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ, БИРДАМЛИГИ ИФОДАСИ



Газ, сув, электр энергияси етказувчи линиялар тортиляпти. Мутахассислар ҳар бир ишни бамаълаҳат олиб бормоқда. Вазифа аниқ, масала жиддий. Чартер рейслар орқали хориждан юртимизга етиб келган юрдошларимизнинг навбатдаги гуруҳи тез орада ушбу масканга жойлаштирилади.

— Карантинга мўлжалланган иншоот ёнида махсус шифохона қурилади, — дейди қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов. — Мабодо, келганлар орасида ўн тўрт кунлик карантин муддати ичида касаллик белгилари топилса, улар шу ерда ёнма-ён қад кўтарилган шифохонага ўтказилади ҳамда довланади. Иншоотлар оралиғида махсус санитар зона ташкил этилиб, улар орасидаги масофа 150 метрни ташкил этади.

Карантин иншоотларида маз-



мунли дам олиш имкониятлари ҳам яратилади, хоналарга телевизорлар жойлаштирилади, иссиқ ва совуқ сув, иситиш ҳамда совитиш мосламалари ва бошқа зарур инфратузилма яратилади. Ошхона, озик-овқат таъминоти йўлга қўйилади. Хитой бундай шифохонани ўн кун ичида қурган бўлса, бизнинг қурувчиларимиз беш



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида кўп тармоқли махсус тиббиёт мажмуаси қуриб битказилган, мана шундай кўринишда бўлади.

кунда барпо этишни режалаштирган. Ишчилар вақти-вақти билан ниқобларини алмаштириб турибди, иссиқ овқат билан таъминланган.

— Савобли ишга ўз хиссамизни қўшиш ниятида иш бошладик, — дейди қурувчи Охунжон Бекниёзов. — Ҳозирги пайтда ер ишлари амалга оширилляпти. Бир минг олти юзта контейнер бу ерга жойлаштирилди. Бригадамда ҳозир юз кишидан ортиқ одамлар ишлаяпти. Биз қурувчилар учун барча шароит яратилган.

Тошкент вилоятининг **Зангиота туманида** ҳам янги шифохона қурилиш жадаллик билан бошлаб юборилди. Фурсат кам, вазифани эса ууддалаш керак. Лойиҳа-

лаш сингари мураккаб жараён ҳам кўп ўзилгани йўқ. — Иккита блокдан иборат шифохона лойиҳаси тез фурсатда, яъни уч кун ичида ишлаб чиқилди, — дейди “ТошуйқойЛИТИ” АЖ бош директори Нуриддин Норматов. — Шифокорлар яшаш бўлиmlари, унга хизмат қиладиган ёрдамчи бинолар, жонлантириш бўлиmlари, карантин-

да сақланадиган беморлар бўлими лойиҳада эътиборга олинган.

Лойиҳа сметаси соғлиқни сақлаш тизими мутахассисларининг тақлифлари иноватга олинган ҳолда ишлаб чиқилди, энди уни қисқа вақт ичида энгил конструкциялар асосида барпо этиш мақсадида қурилиш жараёни бошланди.

— Бу ерда иккита клиникани босқичма-босқич қуриш ишлари режалаштирилган, — дейди қурилиш вазири Ботир Зокиров. — Бунинг учун Хитой тажрибаси ўрганилди. Қурилиш материалларини етказиб берувчилар билан шартномалар тузилляпти. Ҳар бир ишчи хавфсизлик мосламалари билан таъминланган. Клиникада энг кичик медперсоналдан тортиб, шифокор, профессорлар учун алоҳида шарт-шароитлар яратилади. Олдимизга қўйилган вазифани ўз вақтида, сифатли қилиб бажаришга бел болаганимиз.

Тушу кун давом этаётган бунёдкорлик ишларида қурувчилар, пайвандчи, монтажчилар белгиланган вақт асосида зиммаларидаги маъшаққатли, ўз навбатида, шафқатли вазифани бажариш учун астойдил меҳнат қиляптилар. Оғир юмушлар, қурилиш махсулотларини ташиниш ва бошқа мураккаб жараёнларга



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

қўллаб техникалар жалб қилинган. Айни пайтда қурувчилар хавфсизлиги, саломатлиги ҳам доимий назоратда.

Пойтахтимизнинг **Чилонзор туманида** эса кўп тармоқли махсус тиббиёт мажмуаси қурилмоқда.

— Президентимиз топшириқлари асосида бир ой ичида кўп тармоқли махсус тиббиёт мажмуасини қуриш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти, — дейди “White City” МЧЖ раҳбари ўринбосари Алишер Йўлдошев. — Шу кунга қадар қурилиш ишларига икки мингдан зиёд ишчилар жалб қилинди. Бунёдкорлик ишларига нафақат маҳаллий, балки чет элдан келган мутахассислар ҳам ҳисса қўшмоқда. Биз ҳамжиҳатлик билан олдимизга қўйилган юксак вазифани сидқидилдан бажаришга интиляпмиз.

Кўп функцияли шифохона учун аҳоли тураржойларида белгиланган узоқликдаги ҳудуд танланди. Айни дамда қурилиш ишлари билан бир қаторда, хоналарни энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, бинонинг атрофини ўраб олиш ҳамда унда канализация, дезинфекция тизимларини йўлга қўйиш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

— Бугунги кунда лойиҳалар устида жадал иш олиб боришмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК раҳбари Жамшид Соҳибов. — Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир жой, ҳар бир ўрин меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилиши жиддий назоратга олинган. Пудрат ташкилотлари ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилиш ишларини олиб бормоқда. Шу йилнинг 20 апрелигача иншоотни қуриб, топшириш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, кўпга келган синов халқимизнинг азалий инсоний кадриятларини яна бир қарра юзага чиқарди. Янги шифохоналар қурилишининг жадаллик билан бошлаб юборилгани, юрдошларимизнинг бошига ташвишли кунлар келганда қўлни-қўлга бериб, эзгу ташаббусларга эргашишга куч топаётгани халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги, бунёдкорлигини яна бир бор намоён қилмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ
(«Халқ сўзи»).

УЙДА ҚОЛИБ, ШАХСИЙ ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛСАК

нафақат ўзимиз, балки ақинларимизнинг ҳам саломатлигини асраган бўламиз

Коронавирус туфайли юзга келган бу синов халқимиздан янада жипслашишни, ҳамжиҳатлиқни талаб қилмоқда. Бу кўпга келган синов. Ундан бутун дунё азият чекмоқда. Мазкур касаллиқни энг ибтидои юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан огоҳлиқ, серғаклиқ, тозаллик ва покликка амал қилишни тақозо қилади.

Фикр

Зарурат бўлмаганда кўнга чикмаслик, чиққан тақдирда ҳам химоя ниқобларини тақий юрши, уйда ўтириш оммавий ахборот воситалари орқали тавсия этилмоқда. Мутахассис шифокорлар эса телеканалларимиз орқали касаллиқни юктириб олмаслик борасида керакли тавсиялар берапти.

Дарҳақиқат, уйда қолиш, хонадонимизни тоза ва озода сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш орқали биз ақинларимиз саломатлигини асраган бўламиз. Мен оиламизнинг ҳар бир аъзосига, айниқса, невараларимга қўлларини совунлаб ювиш, тозалликка қатъий риоя қилиш, кўнга чиққанда, албатта, химоя ниқобларини тақий юришларини уқтирялман. Катталарнинг назорати, йўл-йўриқлари бу

борада муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Қолаверса, карантин пайти вақтдан унумли фойдаланган ҳолда, невараларим билан биргалашиб китоб ўқиялмиш, телевидение орқали узатилаётган дарс машғулотларини биргаликда бажараялмиш. Ёшлигимизда бу-виларимиз ҳам бизга китоб ўқиб беришарди. Бугун мен ҳам ана шу аъёнани давом эттиряётганимдан мамнунман. Бу оиладаги муҳитни, меҳроқибатни янада мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятлudur.

Ҳосиятбону МУРОДУЛЛАЕВА.
Тошкент шаҳри

Имкониятлар мижозлар билан ҳамкорликни кенгайтиришда қўл келмоқда

Бунга «Миллий банк» АЖнинг Жиззах вилояти филиали фаолияти яққол мисол бўла олади.



2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизими, шу жумладан, тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш, тармоққа рақамли иқтисодиётни татбиқ этиш ҳамда хизмат турларини янада такомиллаштириш устувор йўналишлар сифатида кўрсатиб ўтилган. Президентимизнинг 2019 йил 30 ноябрда қабул қилинган қарори асосида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонаси “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этилиши эса мазкур молия муассасаси жамоасини янада фаолликка ундайди.

Пресс-тур

Бинобарин, бу орқали банк зиммасига хорижий кредит линиялари, халқаро капитал бозоридаги ресурслар, хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш орқали иқтисодиётда йirik инвестицион лойиҳаларни фаол кредитлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва тежорилигини ошириш учун инновация молиявий махсулотларини жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий фаолият масалаларида молиявий маслаҳатлар бериш ҳамда ахборот кўмаги кўрсатиш, аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатиш ни ривожлантириш, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш, тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт қилувчиларга консалтинг хизматларини тақдим қилиш, ички ва ташқи бозорларга қимматли қоғозларни жойлаштириш каби кўплаб вазифалар юклатилди.

Айтиш жоизки, бугун “Миллий банк” АЖ ва унинг жойлардаги филиалларида бу борадаги ишларга жиддий киришилган. Бунга яқинда банкнинг Жиззах вилояти филиалда ташкил этилган пресс-тур давомида гувоҳ бўлдик. Чунки тадбир асносида нафақат филиал, балки салоҳиятли мижозлар фаолияти билан ҳам танишдик. Дастлаб Арнашой туманидаги “Олтин водий” қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган “Agrosoy Gold Tex” масъуляти чекланган жамиятида бўлдик. Корхонада ил-газлама ҳамда момик махсулотлари ишлаб чиқарилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 81 млрд. сўм бўлиб, бунда банкнинг кўмаги ҳам салмоқли бўлди. Ушбу маблағ эвазига корхона замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Шу билан бирга, 600 нафар арнасойликлар доимий ва даромадли иш билан таъминланган.

— Бу ерда ишлаётганимга уч йил бўлди, — дейди корхонанинг маслаҳатчи-бошқарувчиси, туркиялик мутахассис Адем Терзи. — Бу вақт ичида, аввало, Ўзбек тилини яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилдим.

Чунки бу иш учун ўта зарур эди.

Аслида, ўзим шу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган сулола вакилимман. Ота-боболарим 200 йилдан буён шу иш билан шуғулланиб келишган. Шу маънода, бу соҳада кўзим пишган, етарли тажрибага эгаман, десам, хато бўлмайди.

Яна бир эътиборли жиҳати, юртингизда етиштирилаётган пахта толасининг сифати жуда яхши. Фақат уни қайта ишлашга инновация ёндашиш зарур. Қолаверса, қайси мамлакатга қандай махсулот экспорт қилишни чуқур ўрганиб, маркетологияни ривожлантириш керак. Шунда номдор корхоналар янада қўядади. Аҳоли бандлиги ортади.

Навбатдаги манзилимиз — Шароф Рашидов тумани, “Учтепа” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги “ААА COMPANY” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳам журналистларда катта таассурот қолдирди. Негаки, умумий лойиҳа қиймати 13 млрд. сўм бўлган мазкур корхонада банкнинг молиявий кўмаги билан аҳолига турли хизматлар кўрсатилади. Хусусан, корхонанинг боулинг маркази ва 3D кинотеатри эл ихтиёрида. 3D кинотеатр



ли мижозлари сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Филиалда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида электрон навбат, жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун умумий амалиётлар зали, касса хизматлари, валюта айирбошлаш шохбчаси, 24/7 тизимида ишловчи банкомат ва инфокиосслар фаолияти йўлга қўйилган. Натижада айни пайтга келиб унинг хизматларидан 6,8 мингта юридик ҳамда 78,9 минг нафар жисмоний шахслар фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, филиал томонидан 2019 йил якунларига қўра, Хитой тараққиёт банки, Швейцария банки (Credit Suisse), Европа тикланмиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) каби хорижий молия институтлари маблағлари хисобидан 27 мижозга хорижий валютада молиявий кўмак берилган. Ушбу кредитлар, асосан, импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп махсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Пироваддида бир йил ичида жами 2 минг 100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилда “Миллий банк” АЖ Жиззах вилояти филиали жамоаси муассаса молиявий кўрсаткичлари янада юқори бўлишига кредит портфелини ошириш орқали эмас, балки мавжуд активлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, хизмат сифатини яхшилаш орқали эришишни асосий мақсад қилиб олишган. Муҳими, бунинг учун имконият ва шароитлар етарли.

Толибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

КОНСУЛЬТАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИГА ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИШ УЧУН ЭЪЛОН

«Осиё тараққиёт банки иштирокидаги А-380 Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлининг 964 — 1204 км. (240 км.) қисмини реконструкция қилиш» лойиҳаси

(Reconstruction of 240 km from Kungrat to Daut ata section Project)

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги «Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокидаги А-380 Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлининг 964 — 1204 км. (240 км.) қисмини реконструкция қилиш» лойиҳаси доирасида қурилиш техник-назорат ишларини амалга оширувчи консультант ташкилотни аниқлаб олиш мақсадида танлов эълон қилади.

Консалтинг хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олади ҳамда бу билан чекланмаган ҳолда мавжуд меъёрий талабларни ва ишчи лойиҳани қўриб чиқиш, шартнома бўйича қурилишдаги барча ишларни сертифицирлаш, халқаро пудратчи ташкилот томонидан амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва миқдори, бажарилиши ҳамда шартнома бўйича лойиҳани амалга оширишда мониторинг ва ижобий таъсир доирасини баҳолашни назорат қилиш талаб этилади.

Кўшимча маълумот ҳамда техник топшириқни қабул қилиш учун ОТБнинг «CSRN» ҳаволаси www.csrn.adb.org билан танишиб чиқишингиз мумкин.

Консултант ташкилот Осиё тараққиёт банки ҳамда унинг қарз олувчиси талаблари бўйича танлаб олинади.

Иштирок этиш истаги тўғрисидаги мурожаат 2020 йил 21 апрелга қадар қуйида келтирилган манзилга ёки ОТБнинг «CSRN» сайтига онлайн тарзда юборилиши керак. Қўшимча саволлар учун қуйида келтирилган манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

А-380 Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлининг 964 — 1204 км. (240 км.) қисмини реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи.

Почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 68-йў.** **Тел.: 71- 239-49-11, 71-237-26-39.** **Факс: 71-237-26-39.** **Электрон манзил: mff-ptnu-240@mail.ru**

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Шараф Уснатдиновга фарзанди

Камал УСНАТДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институтини ректорати ва қасаба уюшмаси институтнинг Ижтимоий фанлар кафедраси профессори Ҳожикул Омоновга турмуш ўртоғи

Мамлакат ОМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 356. 63 140 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-йў.

Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.35 Топширилди — 02.00

1 2 3 4 5 6